

«Hilol-nashr» нашриётига шайх Мухтор Мағровий ҳазратлари ташриф буюрдилар



16:08 / 16.09.2023 1969

2023 йил 15 сентябрь куни «Hilol-nashr» матбаа-нашриётига шайх Мухтор Мағровий ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ азиз меҳмонлар ташриф буюрдилар. Меҳмонларни нашриёт раҳбари, устоз Исмоилжон Муҳаммад Содиқ мамнуният ила кутиб олдилар.

Даставвал азиз меҳмонлар «Hilol-nashr» матбаа-нашриётининг бош дўконига ташриф буюриб, у ердаги диний-маърифий, адабий бадий асарлар билан яқиндан танишдилар. Шу билан бир қаторда яқинда чоп этилган катта ҳажмдаги Қуръони Карим меҳмонларга кўрсатилди.

Сўнгра меҳмонлар Islom.uz порталининг иш фаолияти ва Hilol Media маркази, хусусан, тасвирга олиш майдончаси, овоз ёзиш студияси ҳамда бошқа жараёнларни кўздан кечирдилар. Ташриф асносида Исмоилжон домла меҳмонларга фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўлларида хикоя қилувчи «Ислолга бағишланган умр» ҳужжатли фильм ҳамда у кишининг қаламига мансуб шоҳ асар бўлмиш «Тафсири Ҳилол» китоби ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтдилар.

Шундай сўнг муҳтарам меҳмонлар фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан асос солинган «Hilol-nashr» матбаа-нашриётининг босмахонасига қадам ранжида айлаб, бу ердаги китобларнинг чоп этилишига бевосита гувоҳ бўлиб, қалбларидаги илиқ таассуротларини изҳор этдилар. Хусусан, шайх Мухтор Мағровий ҳазратлари: «Мен Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг сиймолари қандай экан дея ўйлаб юрардим. Бугун отангиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳақларида керакли маълумотларга эга бўлгач, Бухорий сизнинг отангизга ўхшасалар керак, деб ўйлаб қолдим», дея Исмоилжон домлага эътирофларини билдириб ўтдилар.

Кейин меҳмонлар шайх ҳазратлари номидаги масжидга ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» музейи билан яқиндан танишдилар.

сўнгра азиз меҳмонлар жамоат ила аср намозини адо этиб, юртимиз ҳақида дуолар қилдилар.

Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар мезбонларнинг самимий ва илиқ муносабатларидан миннатдор бўлиб, бундай эътибор учун барчага ташаккур изҳор этдилар.



